


**Ўзбекистон Республикаси Олий  
судининг 2021 йилнинг иккинчи  
ярмига мўлжалланган иш режасига  
асосан маъмурий судлар томонидан  
2020 йил ва 2021 йилнинг тўғқиз ойи  
давомида давлат солиқ хизмати  
органлари ва улар мансабдор  
шахсларининг қонун ҳужжатларига  
мос келмайдиган ҳамда фуқаролар  
ва юридик шахсларнинг ҳуқуқлари  
ва қонун билан қўриқланадиган  
манфаатларини бузадиган  
қарорлари, ҳаракатлари  
(ҳаракатсизлиги) юзасидан  
низолашиш билан боғлиқ ишларни  
кўриш бўйича амалиёти ўрганиб  
чиқилди.**



Ўзбекистон Республикаси Олий судининг 2021 йилнинг иккинчи ярмига мўлжалланган иш режасига асосан маъмурий судлар томонидан 2020 йил ва 2021 йилнинг тўғқиз ойи давомида давлат солиқ хизмати органлари ва улар мансабдор шахсларининг қонун ҳужжатларига мос келмайдиган ҳамда фуқаролар ва юридик шахсларнинг ҳуқуқлари

ва қонун билан қўриқланадиган манфаатларини бузадиган қарорлари, ҳаракатлари (ҳаракатсизлиги) юзасидан низолашиш билан боғлиқ ишларни кўриш бўйича амалиёти ўрганиб чиқилди.

Статистик маълумотларга кўра, судларда 2021 йилнинг тўғқиз ойи давомида 11 339 та (2020 йилда 15 066 та) маъмурий иш кўриб чиқилган бўлиб, шундан давлат солиқ хизмати органи (мансабдор шахс)ларининг қарорлари ёки ҳаракатлари (ҳаракатсизлиги) бўйича кўрилган маъмурий ишлар 744 (186) тани ёки 6,6 (1,2) фоизни ташкил қилган.

Кўриниб турибдики, давлат солиқ хизмати органи (мансабдор шахс)ларининг қарорлари ёки ҳаракат (ҳаракатсизлиги)га нисбатан кўрилган маъмурий ишлар 2021 йилнинг тўғқиз ойининг ўзида 2020 йилнинг кўрсаткичига нисбатан 300 фоизга кўпайган.

2021 йилнинг тўғқиз ойида мазкур турдаги 744 та ишдан 556 таси

ёки 74,7 фоизи давлат солиқ хизмати органи (мансабдор шахс)ларининг қарорларига нисбатан, 188 таси ёки 25,3 фоизи ҳаракатлар (ҳаракатсизлик)ларга нисбатан кўриб чиқилган. Шундан 76 таси жисмоний шахсларнинг аризасига асосан, 668 таси юридик шахсларнинг аризасига асосан кўриб тамомланган.

Вилоят маъмурий

судининг судьяси: С.Халматов